

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.06.2020 Tib102.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ САРВАР ЮСУФОВИЧ

**ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philosophical sciences**

Жумаев Сарвар Юсуфович

Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги бўлган беморларда тарқалган пародонтитни комплекс даволашни такомиллаштириш 3

Жумаев Сарвар Юсуфович

Совершенствование комплексной терапии генерализованного пародонтита на фоне хронической обструктивной болезни легких 25

Jumaev Sarvar Yusufovich

Improvement of complex therapy of inflammatory periodontal disease in patients with chronic obstructive pulmonary disease 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 04/05.06.2020
Тib102.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАЕВ САРВАР ЮСУФОВИЧ

**ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ТАРҚАЛГАН ПАРОДОНТИТНИ
КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1232 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ризаев Жасур Алимжанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилорам Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Аветиков Давид Соломонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Украина)

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендиёров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020 Tib102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Ўзбекистон, Самарқанд вилояти, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Г.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
уринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.У. Самиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашининг
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Э. Шомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кейинги йилларда аҳоли орасида сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) сурункали тарқалган пародонтит (СТП) билан бирга кенг тарқалиши кузатилмоқда. "...Респиратор тизим носпецифик касалликлар ва СТП бирга келиши 17,7-28,0% ҳолатларда аниқланыпти...; тишларни пародонт касалликларидан йўқотиш, кариес асоратларига нисбатан 5 марта кўп ривожланади ва тарқалганлиги бўйича иккинчи ўринни эгаллайди, ундан 35 ёшдан ошган, 85% дан 95% гача аҳоли азият чекади...". Шу жиҳатдан бугунги кунда мазкур касалликлар ижтимоий-тиббий ва иқтисодий зарар етказиб, оғир босқичларида эса ўлим ва ногиронликка олиб келаётгани сабабли сурункали обструктив ўпка касаллигида сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида пародонт ва ички аъзоларнинг биргаликдаги касалликлари каби стоматология муаммоларини ечишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада СОЎКдаги СТП механизмини янада аниқлаштириш, СТПнинг ривожланишида маҳаллий иммунитетнинг ролини чуқурроқ очиб бериш, маҳаллий микробиоценоз дисбаланси, эндотелий дисфункциясининг вентиляция-перфузион бузилишлари ўпка вентиляция ҳолати (ЎВХ), психоэмоционал омиллар бошқарилиши билан ўзаро патогенетик боғлиқ жиҳатларини аниқлаштириш, СТПни эрта ташхислаш ва авжланиб кечишини олдини олишнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса кейинги йилларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан янгилаш юзасидан кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «...тиббий ёрдамнинг самараси ва сифатини ошириш, шунингдек стандартларни, юқори технологик ташхис ва даволаш усуллари жорий этиш, самарали патронаж ва диспансер хизматларини ташкиллаштириш, соғлом турмуш тарзини ва касалликлар профилактикасини тарғиб қилиш ...»¹ каби вазифалари белгиланган. Бу борада пародонтдаги сурункали яллиғланиш жараёнининг шаклланишида базис давони қўллашдан келиб чиқадиган салбий таъсирларни камайтириш, сурункали обструктив ўпка касаллигида сурункали тарқалган пародонтитнинг турли хил даражадаги клиник-иммунологик кечиши, авжланишини кучайтирувчи ўзаро боғлиқликни аниқлаш ҳамда турли хил даражадаги СОЎКнинг патогенезидаги ўрнини янада аниқлаштириш йўналишларидаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон

¹ Ўзбекистон Республикасини Президентининг 7 декабр 2018 йил №ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказларининг долзарб йўналишлари респиратор касалликлар коморбид ҳолати авжланишини эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришга қаратилган (Mazzolai L, Abovans V, Ageno W, et al. 2017). Шу билан бир қаторда маълумки, СОЎКнинг ривожланишида кўпгина омилларнинг таъсири асосий ўринни эгаллайди (Sidney S., Sorel M., Quesenberry C.P. et al. 2017; Opie L.H., Commerford P.J., Gersh B.J., Pfeffer M.A. 2019) Пародонтитга олиб келувчи барча мавжуд омиллар иммун тизимда қўшимча бузилишларни чиқариши билан бир қаторда, ремоделланиш асоратларини келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

МДХ мамлакатларида А.Г.Чучалин, В.С.Задонченко, А.М.Шикота ва бошқалар томонидан сурункали обструктив ўпка касаллиги билан бирга сурункали тарқалган пародонтит бўлган беморларда маҳаллий иммун тизим ремоделланишида эндотелий дисфункцияси механизми тўлиқ ўрганилмаган. СОЎКда сурункали тарқалган пародонтит ривожланишида резонанс терапиянинг таъсири билан ўзаро боғлиқ жараёнлар ва маҳаллий, умумий иммун тизим, шунингдек психоэмоционал омиллар қай даражада аҳамиятга эгаллиги, каби муаммоларни янада ўрганиш талаб этилади. Сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш ва башоратлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда кейинги ўн йилликда сурункали обструктив ўпка касаллиги билан бирга СТПнинг асоратларини эрта олдини олиш муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқотлар (Убайдуллаев А.М., Аляви А.Л., Садиқова Г.А., Ливерко И.В., Рахимова Д.А. томонидан) амалга оширилган ҳамда ушбу изланишларда нафас олиш тизими касалликлари ривожланиши, уларнинг метаболик бузилишлар билан боғлиқлиги аниқланган. Сурункали обструктив ўпка касаллигида сурункали тарқалган пародонтитни ривожланишини эрта босқичларида аниқлаш, бу ҳолатни

беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири, унинг патогенетик аспекти охиригача ўрганилмаган, бу ўз навбатида мазкур муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти ва «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази» ДМ илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И.2016-6-7 “Сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда эрта ташхислаш ва даволашнинг янги технологияларини тадбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиха ва №ФА-Атех-2018-111 «Бронх-ўпка тизими касаллиги бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволаш учун янги ускуна ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиха доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали обструктив ўпка касаллигида сурункали тарқалган пародонтитни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хил оғирликдаги сурункали обструктив ўпка касаллигида СТП нинг ривожланиш динамикасини ўрганиш;

СОЎК билан касалланган СТП беморларда оғиз суюқлиги ва қон зардобидидаги липидларни перекисли оксидланиши ва антиоксидант ҳимоя кўрсаткичларининг интенсивлик даражасини солиштириш;

СОЎК билан СТП бўлган беморларда организмнинг носпецифик резистентлигини ва оғиз бўшлиғининг маҳаллий иммунитетини, оғиз суюқлигини антиоксидант ҳимоясининг самарадорлигини ўрганиш;

Сурункали тарқалган пародонтит ва сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда касалликнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволашнинг самарадорлигини баҳолаш;

СОЎК касаллигида СТПни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2020 йилларда Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ва «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази» пульмонология бўлимларида даволанган турли даражадаги сурункали обструктив ўпка касаллиги мавжуд беморларда СТП бўлган 130 та бемор олинган.

Тадқиқотнинг предметини беморларнинг клиник, респиратор тизимнинг вентилиацион-перфузион қобилияти, лаборатор текширувлар, оғиз бўшлиғи параметри, психоэмоционал ҳолат, ҳаёт сифатини объектив ва субъектив баҳолаш кўрсаткичлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларининг ечимини топиш учун клиник (гигиеник индекслар (ОHI-S, Muhlemann-Cowell, PMA)), функционал (6MWD, спирометрия, полярография), иммунологик (маҳаллий иммунитетни баҳолаш учун секретор Ig A, M, G концентрацияси ва периферик қондаги лимфоцитлар: CD3 + ва уларнинг популяциялари, CD4+,

СД16+), цитологик (Романовский Гимза усулида материални суртма-мухрлаш, суртма-қириш услуби) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда пародонтдаги яллиғланиш ва деструктив касалликларнинг оғирлиги билан коморбид ҳолати ўртасида корреляцион боғлиқлиги ўрнатилди;

- азот оксиди метаболитлари, антиоксидант омиллар ва беморнинг жисмоний ва эмоционал ҳолати ўрта ва оғир даражадаги СОЎК ривожланишининг дастлабки белгилари сифатида аниқланди.

- пародонтдаги сурункали яллиғланиш жараёнининг шаклланишида, базис давонинг қўлланилишидан келиб чиққан нафас олиш етишмовчилиги, гипоксия, маҳаллий қон айланиш тизими бузилиши каби салбий таъсирларнинг эпителиал хужайралар сонининг кўпайишига, тиш милки бирикмасининг бузилишига ва микроб хужайралари билан ифлосланишининг кучайишига олиб келиши аниқланди.

- тизимли иммунитет ва маҳаллий химоя омилларининг сурункали тарқалган пародонтит билан турли хил даражадаги СОЎКнинг патогенезида Т-лимфоцитларнинг нисбий таркиби $32,5 \pm 1,11$ га ошиб, JgM, JgG ва JgA нинг максимал миқдори мос равишда $21,8 \pm 0,10$; $0,31 \pm 0,10$ ва $0,50 \pm 0,11$ га пасайиб бориши тенденцияси аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сурункали обструктив ўпка касаллиги бўлган беморларда пародонтда яллиғланиш ва деструктив жараёнларнинг ривожланишидаги умумий патогенетик омиллар аниқланган;

сурункали обструктив ўпка касаллиги ва СТП билан бирга кечадиган ўрта ва оғир даражадаги беморларда сурункали тарқалган пародонтитни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

аниқланган касалликлар, ишлаб чиқилган ташхислаш усуллари ва даво-профилактика чоралари алгоритми стоматологларга юз-жағ тизимининг турли хил асоратларини ривожланишини башорат қилиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, авж олиш даврларини камайтириш, келиб чиқадиган оқибатларни тахмин қилиш, шунингдек, СОЎК да СТП учун ремиссия даврини узайтиришга эришилган;

сурункали обструктив ўпка касаллиги фонида сурункали тарқалган пародонтитнинг оғир шакллари кечишининг сезиларли даражада кенг тарқалиши аниқланган;

III-IV босқичдаги СОЎК бўлган беморларда сурункали тарқалган пародонтитнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашга янгича ёндашиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, функционал ва статистик текширув усулларига

асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар сурункали обструктив ўпка касаллиги билан булган беморларда сурункали тарқалган пародонтит ривожланиш механизми эрта аниқланганлиги, маҳаллий иммун тизим бузилишлари, эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг клиник-патогенетик жиҳатлари очиқ берилганлиги, адекват даволашни танлаш учун зарур бўлган препаратларни стандарт давога қўшиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморларда сурункали тарқалган пародонтитни камайтириш ва даволаниш харажатларини қисқартириш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. СОЎК III-IV даражали беморларда иммун тизим кўрсаткичларида соғлом кишиларнинг кўрсаткичига нисбатан Т- лимфоцитларнинг нисбий сони камайганлиги, иммунорегулятор хужайралар сони оғирлик даражасига мос равишда В- лимфоцитлар сонининг нисбий кўрсаткичлари СОЎК III-IV даражаларга мос пасайганлиги асосида ишлаб чиқилган «Сурункали пародонтитни коморбид ҳолатларда босқичли ташхислаш ва даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 8н-д/365-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали обструктив ўпка касаллигида ўпка гипертензияси келиб чиқишини асосида олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва даволаш усулларини оптималлаштириш имконини берган;

Олиб борилган даводан сўнг яллиғланиш жараёнларининг маҳаллий ва тизимли равишда камайганлиги, қон кислород билан тўйинганлиги, жисмоний юкламага толерантликни ортиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши асосида ишлаб чиқилган «Сурункали обструктив ўпка касаллиги коморбид ҳолати асоратларини эрта ташхислаш ва даволашнинг самарали усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/427-сон маълумотномаси). Илмий натижалар сурункали обструктив ўпка касаллиги коморбид ҳолатида СТП билан оғриган беморларда иммун тизим, эндотелий дисфункцияси ҳолати ва ўпканинг вентилицион-перфузион ҳолатини оптимал ўрганиш асосида, касаллик асоратларини олдини олиш имконини берган;

сурункали обструктив ўпка касаллигида сурункали пародонтит коморбид ҳолатини босқичли ташхислаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалари

Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Самарқанд шаҳар 1 ва 3-сон оилавий поликлиникаси ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси клиник амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 8н-з/225-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга татбиқ этилиши ҳисобига СОЎКда учрайдиган ўпка гипертензиясини ташхислаш сифатини яхшилаш, эндотелий дисфункцияси, кардиореспиратор бузилишларни олдини олиш ва касалликни даволаш муддатини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартирмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали обструктив ўпка касаллигидаги сурункали тарқалган пародонтитнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари”** номли биринчи боби ўртача ва оғир даражадаги сурункали обструктив ўпка касаллиги билан сурункали тарқалган пародонтит муаммолари тўғрисида мавжуд илмий маълумотларни ўрганишга бағишланган. Хусусан, СОЎКда сурункали тарқалган пародонтитнинг шаклланишида эндотелиал, иммун, оксидатив ва функционал бузилишларнинг клиник ва патофизиологик хусусиятлари ўрганилган. Пародонтдаги ремоделлаш жараёнларини ривожлантиришда гуморал ва психоэмоционал бошқариш омилларининг роли, ҳаёт сифатининг ҳолати ва сурункали тарқалган пародонтитли СОЎК билан оғриган беморларни даволашга замонавий ёндашувлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи **“Клиник ва функционал, иммуно-биокимёвий тадқиқот усуллари ва материаллари”** бобида тадқиқот объекти

хусусиятлари, вазифаларни ҳал этишни таъминлайдиган иммуно-биокимёвий, клиник ва функционал тадқиқот усуллари ва услубий ёндашувлар ёритилган.

Кузатувлар 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Текширилаётган контингент таркибига Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига ётқизилган сурункали тарқалган пародонтит (СТП) ҳамда СОЎК ташхиси билан 130 нафар бемор киритилган, шулардан: сурункали тарқалган пародонтит ва енгил СОЎК билан оғриган 37 нафар бемор, сурункали тарқалган пародонтит ва ўрта даражадаги СОЎК билан 44 нафар бемор, 49 нафар бемор сурункали тарқалган пародонтит ва оғир СОЎК билан оғриган беморлардир. Таққослаш гуруҳи соматик патологиясиз сурункали тарқалган пародонтит билан касалланган 35 нафар беморни, назорат гуруҳини эса интакт пародонт тўқимаси бўлган 25 нафар соғлом одам ташкил этди. Пародонтит билан оғриган беморларнинг ёши 37 дан 66 ёшгача (асосий гуруҳдаги ўртача ёш $54,32 \pm 0,84$ ёш, таққослаш гуруҳида - $46,23 \pm 1,12$ ёш).

Дастлабки текширувдан сўнг барча сурункали тарқалган пародонтит ва СОЎК билан оғриган беморлар икки гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳга СОЎК ва СТП бўлган 44 нафар беморлар кирди, улар фақат стандарт стоматологик даво ва СОЎКни кучайиши давридаги терапиясини олганлар, 2-гуруҳда эса 45 нафар СОЎК ва СТП булган беморлар бўлиб, улар стоматологик даводан ташқари, СОЎК ни базис терапияси, резонанс терапия (маҳаллий, пародонтал туқимага, тор спектрли инфрақизил ёриткичлар билан резонанс терапия, кунига 2 марта 6 дақиқа давомида), глицерозин (яъни глицерозин таб. 15 мг), кунига 3 марта 1 таблеткадан, ва озонли терапия (қисман озонланган "Extra-virgin" зайтун ёгидан, маҳаллий, пародонтал туқимага, кунига 30 дақиқадан 2 марта, овқатдан 30 дақиқа ўтгач ва озонланган физиологик эритмани вена ичига кунига 200 мг дозада 1 марта юбориш; озонатор «Азия») муолажаларини олишган. Динамик текширув даволаш бошланганидан 14-куни (пародонт ҳолатини баҳолаш), терапия бошланганидан 2 ой ўтгач (сўров, клиник ва лаборатория текшируви, иммунологик текширув) ва у тугаганидан кейин 6 ой ўтгач амалга оширилди.

Базис терапия таркиби қуйидагича бўлди:

β-агонистлар + антихолинергик ингалятор - беморларнинг 59%, антилейкотриенлар - беморларнинг 58%, метилксантинлар - беморларнинг 56%, β-агонистлар - 41%, глюкокортикостероидлар - 41%, глицерозин - 26%, тор спектрли инфра қизил ёриткич резонанс терапияси - 27%, озонотерапия - 24%, оғиз касалликларини маҳаллий даволаш учун микробларга қарши воситалар - 3%, локал анестезия учун дорилар - 7%, барча беморлар массаж, нафас машқлари, психотерапияни қабул қилишди;

жамланган терапиядан 10 кун олдин ва ундан кейин барча беморларни умумий текширишлар қуйидагиларни ўз ичига олди: умумий клиник кўрсаткичларни бал тизими бўйича баҳолаш; объектив физик тадқиқотлар, қон, сийдик ва балғамни умумий таҳлил қилиш;

барча иштирокчиларни клиник кўриқдан ўтказиш ЖССТ (2016) тавсияларини инобатга олган ҳолда умумий қабул қилинган усуллар асосида ўтказилди. Пародонт тўқималарининг ҳолатини объектив баҳолаш қуйидаги индекслар ёрдамида амалга оширилди: гигиеник (ОНІ-S, Green J.C., Vermillion J.R., 1964, Silness-Loe, 1964), пародонтал (PI, Russel A., 1956) ва папилляр-маргинал-алвеоляр (РМА, Parma G., 1960), милкларни қонаш индекси (Muhlemann-Cowell).

Клиник тадқиқотда ўзгарувчан интенсивликдаги пародонтал симптомлар - оғриқ, тиш милки яллиғланиши, қон кетиши (ҚК), тиш-милк орасидан йиринг оқиши - пародонтал чўнтаклар (ПЧ) ва унинг таркибидаги ўзгаришлар (ПЎ), бадбўй ҳид (БХ), милкларнинг қизариши (МК), патологик ҳаракатчанлик (ПХ) - тиш қимирлаши ва жойларининг силжиши аломатларлари таҳлил қилинган.

Цитологик тадқиқот Романовский Гимза усулида материални суртма-муҳрлаш, суртма-қириб олиш ёрдамида ўтказилган. Полиморф-нуклеар лейкоцитлар, эпителий хужайралари, нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг миқдорий таркибини аниқлаш учун суртма препаратлари ёруғлик микроскопи ёрдамида таҳлил қилинган. Маҳаллий иммунитетни баҳолаш учун секретор Ig A, M, G концентрацияси аниқланган. Иммунологик текшириш периферик қондаги (лимфоцитлар: CD3 + ва уларнинг популяциялари, CD4 +, CD16 +) CD8 +, иммунорегулятор кўрсаткич CD4 + / CD8 +; В лимфоцити CD22 +; циркуляциясидаги иммун комплекслар даражаси - ЦИК) кўрсаткичларни ўз ичига олган . СТП II ва III даражали оғирлигида суяк тўқимасида бузилишларни рентгенологик ўзгариш ёрдамида аниқланган: кортикал пластинканинг деструкцияси, тишнинг илдиз узунлигининг ½ қисмида интердентал алвеоляр септа баландлигининг номутаносиб пасайиши, алвеоляр қисмда остеопороз белгилари, периодонтал бўшлиғининг кенгайиши ва суяк чўнтакларининг шаклланиши. III даражали сурункали таркалган пародонтит бўлган беморларда рентгенологик ўзгаришлар патологик резорбциянинг аралаш (вертикал-горизонтал) турининг мавжудлиги билан тавсифланди: кортикал пластинка парчаланиши, интердентал алвеоляр ўсимта баландлигининг тиш илдизидан ½ дан кўп бўлмаган даражасида пасайиши, алвеоляр қисмида остеопороз белгилари, пародонтал чўнтаклар кенгайиши таҳлил қилинган. Полярографиядан фойдаланиш: пародонтал тўқималарда кислороднинг ассимиляция тезлигини, микроциркуляция ва транскапилляр метаболизм ҳолатини аниқлаш учун фойдаланилган.

Диссертациянинг **“СОЎК бўлган беморларда пародонтал тўқима зарарланишининг хусусиятлари”** учинчи бобида, СОЎК II-III-IV даражали беморларда пародонт тўқимасининг (ПТ) шикастланиши хусусияти, пайдо бўлиш омиллари, оқибатлари ва пародонтал тўқима зарарланишида инфекциялар ва оксидатив стресснинг аҳамияти таҳлил қилинган.

Пародонтал тўқималарнинг ҳолатини клиник ва инструментал таҳлил қилиш СТП ва СОЎК оғирлиги, нафас олиш етишмовчилиги даражаси (HE) ва сурункали ўпка юрак касаллиги (СЎЮК) ўртасида аниқ боғлиқлик

борлигини аниқлашга имкон берди. Йирингли пародонтал касалликлар оғир СОЎК фониди янада оғирлашди ва беморларнинг 39,6 фоизиди оғир ёки 56,6 фоизда – ўрта даражадаги сурункали тарқалган пародонтит ривожланиши аниқланди. Ўрта даражадаги СОЎК билан ўртача (60%), енгил (24%) ва оғир (16%) сурункали тарқалган пародонтит аниқланди. Енгил даражадаги СОЎК кўп ҳолларда 62,2% ёки ўртача – 37,8% енгил даражадаги сурункали тарқалган пародонтит ривожланиши билан боғлиқ бўлган. НЕ I-II даража ва декомпенсация давридаги СЎЮК ҳолатларида пародонтал тўқимани шикастланиши нафас олиш ва юрак-қон томир тизимлари функцияларини компенсация даврида бўлган беморларга қараганда оғирроқ кечиши кузатилди. Натижалар кўпинча пародонтитнинг ривожланиши ва кечишида НЕ ва гипоксемиянинг муҳим ролини кўрсатди.

Пародонтал курсаткичлар оғирлиги ҳар хил бўлган беморларда, оғирликни баҳолаш индексининг миқдорий хусусиятларини ўрганиш натижалари, интакт пародонт ва пародонтдаги яллиғланиш-деструктив жараённинг биринчи босқичи ўртасида максимал чегара мавжудлигини кўрсатди: сурункали тарқалган пародонтитни енгил даражасидаги зарарланиш индексининг қиймати интакт пародонтга нисбатан 15,5% га ошади ва интакт пародонтда $0,09 \pm 0,013$ баллга. Пародонт тўқимасидаги жараён оғирлашиб бориши билан, сурункали тарқалган пародонтитни ўрта даражасидаги оғирликни баҳолаш индексининг қиймати сурункали тарқалган пародонтитни енгил даражасидаги индикаторидан 83,16% га, сурункали тарқалган пародонтитни енгил даражаси эса, сурункали тарқалган пародонтитни ўрта даражасидан 31,25% га ошади, оғирликни баҳолаш индексининг қийматлари мос равишда $2,23 \pm 0,04$ ва $2,94 \pm 0,05$ тенг бўлади.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганларнинг барчаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари СОЎК ва СТП билан оғриган беморларда пародонтал тўқималарнинг ҳолати ва ўзаро боғлиқлиги булганлиги учун жуда кўп объектив кўрсаткичларни ўрганишга имкон берди.

Одатда, танадаги суюқликни қабул қилиш ва йўқотиш ўртасида доимий мувозанат мавжуд бўлиб, бу ҳар бир ҳужайранинг ишлашини барқарорлигини таъминлайди ва қон айланмаси ва ҳужайралараро суюқлик ҳажми ўртасида динамик мувозанатни сақлайди. Сув мувозанати параметрларининг эволюция жараёнида белгиланган меъёрдан ошиб кетадиган ҳар қандай ўзгариши дастлаб функционал бузилишларни, сўнгра органлар ва тўқималарнинг тузилишидаги морфологик ўзгаришларни келтириб чиқаради.

1-жадвалда пародонтал тўқималарнинг ҳолатини ўрганиш ва СОЎК билан касалланган беморларда (тадқиқот гуруҳи) ва таққослаш гуруҳида оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини миқдорий баҳолаш натижалари келтирилган. Кўриб чиқилган беморларнинг кўпчилигида оғиз гигиенаси қониқарсиз эди. Silness-Loe гигиеник индексининг ўртача қийматлари тадқиқот гуруҳида $2,31 \pm 0,17$ ва таққослаш гуруҳида $2,11 \pm 0,11$ бўлиб, гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар йўқ ($p > 0,05$).

Пародонтал тўқималарнинг яллиғланишининг асосий белгиларидан бири бу тиш милкидан қон кетиш бўлиб, унинг даражаси Muhlemann-Cowell индекси ёрдамида аниқланади. Ушбу индекс нафақат пародонтал тўқималарнинг шикастланишининг дастлабки босқичларини аниқлаш, балки яллиғланиш жараёнининг оғирлигини аниқлаш учун ҳам диагностик аҳамиятга эга, чунки бу пародонтал тўқималарнинг яллиғланиш интенсивлигини ва чуқурлигини акс эттиради.

1-жадвал

СОЎК билан оғриган ва СОЎК бўлмаган СТП бўлган беморларда пародонтал тўқималарнинг ҳолатини клиник баҳолаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар (M±m)	СТП билан кечадиган СОЎК касаллиги (n=34)	СОЎК бўлмаган СТП билан оғриган беморлар (n=27)
Silness-Loe бўйича гигиена индекси	2,31±0,15	2,11±0,11
Muhlemann-Cowell бўйича милкни қонаш кўрсаткичи	2,42±0,11*	1,82±0,07
ПЧ чуқурлиги (мм)	4,57±0,21	3,40±0,27
Miller-Fleszar бўйича тишларнинг патологик қимирлаш кўрсаткичи	1,88±0,13*	0,84±0,07

Изоҳ: *-P<0,05 СОЎК бўлмаган беморларга нисбатан статистик ишонарли фарқлар


Muhlemann-Cowellга кўра индексни баҳолаш натижаларига кўра, текширилган барча беморларда турли даражадаги қон кетиш кўринишидаги пародонтал тўқималарнинг яллиғланиш белгилари мавжуд эди. Тадқиқот гуруҳидаги беморларда қон кетиш индексининг ўртача қиймати 2,42 ± 0,11, таққослаш гуруҳидаги беморларда - 1,82 ± 0,07, гуруҳлар орасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли (p<0,05). Пародонтал чўнтакнинг чуқурлиги ва тишларнинг патологик қимирлаши каби кўрсаткичлар билан акс этган пародонтал комплексини деструкция даражаси ҳам сезиларли даражада фарқ қилди, бу эса тадқиқот гуруҳидаги ўртача СТП бўлган беморларнинг турли хил нисбати билан боғлиқ.

СОЎК нинг ўрта ва оғир даражасини зўрайиш даврини базис даволаш муолажаларини, ингаляцион ва тизимли глюкокортикостероидларсиз (ТГК) тасаввур қилиб бўлмайди. Гормон терапияси бир қатор салбий таъсирларга эга, улар орасида остеопеник синдром, эпителий регенерациясининг кечикиши, эндоген простагландинлар синтезини бостириш, булар эса СТП билан оғриган беморлар учун муҳимдир [Вирясова Н. А. ва бошқ., 2007].

Биз базис терапиянинг пародонтал тўқималарнинг ҳолатига таъсирини баҳоладик. Ҳам маҳаллий, ҳам тизимли стероидларни қабул қилиш пародонтал туқималарни зарарланишининг сезиларли даражада ошишини билан бир бирига боғлиқ бўлганлиги аниқланди. СОЎК ни даволаш пайтида купинча оғир даражадаги СТП лик беморлар аниқланган(21,7%). Маҳаллий ва тизимли стероидларни олган беморлар орасида мос равишда 4,1% ва 11,9% ҳолларда оғиз кандидози ташхиси қўйилган.

Барча беморларда бронхопулмонар тизимининг вентилиацион-перфузия ҳолатининг пасайиши кузатилди. Шундай қилиб, FEV₁ кўрсаткичи мос равишда I ва II гуруҳларда: $48,2 \pm 0,5\%$ ва $66,1 \pm 1,6\%$, SaO₂ $85,1 \pm 2,5\%$ ва $89,6 \pm 1,4\%$, бу бронхнинг қайтарилмас обструктив ҳолатига хосдир. СОЎК билан оғриган беморларда тўқималарнинг гипоксияси ва қонда кислород билан тўйинганлигининг пасайиши шароитида 72,5% ҳолларда пародонтал тўқималарнинг патологияси аниқланди. ПТ шикастланишининг клиник белгилари СОЎК даражаси билан аниқ боғлиқлигини исботлайди.

Ўртача ва оғир СТП билан бирга СОЎК II-III-IV даражадаги беморларда турли интенсивликдаги патологик пародонтал аломатлар қайд этилди: оғрик, тиш милки яллигланиши, қон кетиши (ҚК), тиш-милк патологик чунтагидан йиринг оқиши - пародонтал чўнтақлар (ПЧ) ва унинг таркибидаги ўзгаришлар (ПУ), бадбўй ҳид (БХ), милкларнинг қизариши (МК), патологик ҳаракатчанлик (ПХ) - тиш қимирлаши ва жойларидан силжиши. Ушбу аломатлар баҳоланганда, ингаляцион дорилар билан даволаниш усулларига боғлиқлиги аниқланди (1-расм), яъни СОЎК II даражалик 20 беморнинг 17 тасида тиш милки оғриғи ва қон кетиши. иМ-ХЛ (ингаляцияли М-холинолитиклар), ИГКС (ингаляцияли глюкокортикостероидлар) билан даволланган 20 бемордан 15 тасида, иМ-ХЛ ва иГКС билан биргаликда даволашда СОЎК IV даража билан касалланган 20 беморнинг 18 таси ва фақатгина 20 кишидан 12 таси ингаляцион бронходиллятаторлардан фойдаланганлар. ПТ дан қон кетиш ва оғрик ҳисси куплиги даволаниш усулларига мос равишда кечади. Пародонтал симптомларни оғирлик даражасига қараб баҳолаш: СОЎК II даражалик 20 беморнинг 10 нафари, СОЎК III босичидаги 20 беморнинг 13 нафари, СОЎК IV босичидаги 20 беморнинг 17 нафарида, ПТ да оғрик ва қон кетиши қайд этилган. СОЎК касаллиги билан оғриган беморларнинг иккала жағларини рентгенологик текшириш натижалари биринчи марта ПТ патологияси мавжудлигини ташхисланган беморларнинг 72,7% да, шундан 31,7% да ўртача оғирликда, 41% ҳолларда оғир даража ПТ шикастланиши аниқланди.



1-расм. СОЎК билан оғриган беморларда ПТ шикастланишининг клиник белгиларининг учраш частотаси

СОЎК билан оғриган беморларда ПТ шикастланишининг юқори частотаси 57 беморда (68,3%) тиш милки даражасидаги нуқсонлар шаклида аниқланиб, глюкокортикостероид терапиясининг давомийлиги, дозалари ва терапия ёндашувларига қараб ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Нафас олиш препаратларининг оғиз бўшлиғи ва тиш милки суюқлиги микрофлорасига узок муддатли салбий таъсири ПТ билан патоген микроорганизмлар, масалан, *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus mutans*, *Klebsiella pneumoniae* ПТнинг инфекциясини ўз ичига олади, бу СТПда патологик жараён ривожланишининг кўзгатувчиси ролини ўйнайди. СОЎК II-III-IV даражалик беморларда ПТ патологик жараёнларининг шаклланишида *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus mutans*, *Klebsiella pneumoniae* ролини ўрганиш натижаларига кўра, патоген микроорганизм инфекциялари 81,1% ни ташкил этганлигини кўрсатди. Бу СОЎК билан оғриган беморларда ПТ ни яллиғланишнинг юқори даражада эканлигини кўрсатади.

ПТ патологиясининг ортиши СОЎКнинг оғирлигига ва даволовчи ингаляцияни қўллашнинг давомийлигига боғлиқ бўлди, яъни СОЎК II даражали беморларда. иМ-ХЛ (5 йил ёки 10 йилдан ортик) - 4,3 марта (18,1% дан 43,7% гача, $p < 0,05$); СОЎК III даражали беморларда. 5,2 марта (9,7% дан 50,3% гача, $p < 0,05$) кўпроқ кузатилди

Бу шуни англатадики, оғиз суюқлигининг микробиоценозига узок муддатли салбий таъсир (ингаляцияли препаратлар, тиш тошлари ва карашлари, чекиш) турли патоген микроорганизмларнинг тўпланишига хисса қўшади, масалан *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus mutans*, *Klebsiella pneumoniae* инфекцияси ПТнинг доимий яллиғланишига олиб келади. Бунда эпителийни дифференциация қилиш жараёнига нисбатан яллиғланиш жараёнларининг устунлиги аниқланади. ПТ нинг морфогенезидаги чуқур ўзгаришлар эпителиал қатламнинг яллиғланиши ва шиллик қаватнинг нейтрофил гранулоцитларининг сезиларли даражада бузилишида кўпроқ намоён бўлади.

Кислородга ПТ ни бўлган эҳтиёжининг ошиши шароитида I гуруҳдаги беморлар азот оксидининг эндотелиал ишлаб чиқаришида 38,1% пасайиши кузатилган бўлса, II гуруҳда барқарор азот метаболитлари 23,4% га камайган

($p < 0,05$). Гуруҳларда эндотелийга боғлиқ вазодилатация параметрларининг мос равишда бузилиши кузатилди, бунда реактив тестдан сўнг (Vmax) кўрсаткичи елка артериясида максимал қон оқими тезлигининг пасайиши - 19,2% га ва 32,9% га (нисбатан 8,9 ва 28,4%); қон айланишига қаршилиқ кўрсаткичининг (ICR) ўсиши - 28,1% га ва 18,2 ва 29,1% га (солиштириш 38,6%) аниқланди. Олинган маълумотлар периферик қонда ЛПО/АО тизимидаги номутаносибликнинг ошиши нафақат маҳаллий ўзгаришларга, балки муҳим тизимли ўзгаришларга ҳам олиб келишига мос келади. Шу сабабли, яллиғланиш жараёнларининг кучайиши ва ўз эндотелиясининг NO-синтезининг мувозанати оксидловчи стресс ҳолатини оширади ва организмнинг антирадикал ҳимоя тизимини пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, эндотелий функциясининг бузилиши, ПТни ремоделланишини ривожланиши СТП + СОЎК бўлган беморларда СТП билан таққослаганда анча олдин ва сезиларли даражада кузатилди. Бундан ташқари, СТП + СОЎК билан оғриган беморларда барқарор азот оксиди метаболитлари, антирадикал ҳимоя ва жисмоний зўриқишга қаршилиқ (250м дан кам 6 MWD) кўрсаткичларининг аниқ пасайиши аниқланди.

Эндотелиал мувозанати бузилган СОЎК билан оғриган беморларда периферик қон томир тонусини тартибга солиш механизмларининг бузилиши кўпроқ даражада СОЎК билан биргаликда ривожланади. Беморларнинг антиоксидант ҳимояси ва жисмоний машқлар фойдалилигининг (250 м дан кам) энг сезиларли пасайиши СТП + СОЎК бўлган беморларда СОЎК бўлмаган СТП билан солиштирганда кузатилади. Шу билан бирга, ПТ курсаткичлари билан СТП ривожланиши эндотелиал дисфункция даражаси билан ижобий корреляцияга эга бўлди ($r=0,41$, $p < 0,05$). Барча беморларда эндотелиал дисфункция аниқланган ва SM_{NO} даражасининг пасайиши клиник курснинг оғирлигига ва машқлар бардошлилигига таъсир қилди.

Диссертациянинг **“СОЎКда СТП ривожланишига мослашиш жараёнида иммунологик бузилишлар ва беморларнинг ҳаёт сифати ўртасидаги боғлиқлик”** номли тўртинчи бобда иммунологик бузилишларнинг ривожланиш механизмлари, ҳаёт сифати ва беморларнинг психоэмоционал ҳолати ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижалари баён қилинган. СОЎКда пародонтал тўқимани зарарланишини эрта ташхислаш ва прогноз қилиш учун индивидуал мезонлар қийматлари статистик модел бўйича аниқланди.

Тизимли иммунологик ўзгаришларни периферик қонда цитологик баҳолашда, СОЎК III + СТП эрта даражали беморларда касалликнинг дастлабки босқичларида: Т-лимфоцитларнинг нисбий таркиби $32,5 \pm 1,11$ га ошиб, IgM, IgG ва IgA нинг максимал миқдори мос равишда $21,8 \pm 0,10$; $0,31 \pm 0,10$ ва $0,50 \pm 0,11$ пасайиши аниқланди. СОЎК IV + СТП оғир даражали ПТ ни шикастланиши ривожланган беморларда Т-тизим иммунитетни пасайиш тенденцияси аниқланди (2-жадвал).

Оғиз бўшлиғининг маҳаллий ҳимоя қилиш хужайра омилларидан эпителиал ва лейкоцит хужайралари тиш милк суюқлигидаги аниқланди.

Соғлом гуруҳида хужайраларининг 95-97% нейтрофиллар, 1-2% лимфоцитлар ва 2-3% моноцитлардан иборат бўлди. Эпителийсимон хужайралар сонининг кўпайиши тиш милки бирикмасини бузиш ва микроб хужайралари билан зарарланишини кўрсатувчи белги эканлиги аниқланди. Полиморфядроли лейкоцитлар сони эпителий хужайралари, нейтрофиллар ва лимфоцитлар сони билан мос келди, $p = 0.30$; $p = 0.36$ ва $p = 0.31$ ($p < 0.05$), яъни пародонтал тўқимадаги яллиғланиш жараёнининг оғирлигига параллел кечди.

Плазма хужайралари, лимфоцитлар, эозинофиллар ва нейтрофиллар томонидан ифода этилган хужайра инфильтрацияси пародонтал тўқималарнинг микроблар билан шикастланиши учун характерли хусусиятдир. Бу маълум хужайрали элементларнинг устунлигига қараб яллиғланиш фаоллиги ва жиддийлигидан далолат беради.

2 жадвал

Турли даражадаги СОЎК билан бирга СТП бўлган беморлар иммунологик кўрсаткичлари ($M \pm m, \%$).

Кўрсаткичлар	Соғлом гуруҳ n=30	Сурункали обструктив ўпка касаллиги бор гуруҳ n=48	Сурункали обструктив ўпка касаллиги ва СТП бор гуруҳ n=40
Лейкоцит, минг/мкл	$6,1 \pm 1,31$	$4,5 \pm 1,21^*$	$4,1 \pm 1,11^*$
Т-лимфоцит	$53,9 \pm 1,4$	$32,5 \pm 1,11^*$	$28,2 \pm 1,3^*$
CD4+	$18,1 \pm 0,62$	$12,3 \pm 0,41^*$	$8,8 \pm 0,21^*$
CD8+	$9,8 \pm 0,21$	$6,5 \pm 0,13^*$	$6,0 \pm 0,12^*$
CD16+	$28,5 \pm 1,82$	$53,8 \pm 0,52^*$	$59,3 \pm 0,34^*$
В-лимфоцит	$17,3 \pm 0,5$	$13,8 \pm 0,51^*$	$9,3 \pm 0,34^{**}$
Ig A, г/л	$0,9 \pm 0,10$	$0,50 \pm 0,11^*$	$0,4 \pm 0,15^*$
IgM, г/л	$0,4 \pm 0,03$	$0,31 \pm 0,10^*$	$0,2 \pm 0,11^*$
IgG, г/л	$16,1 \pm 0,31$	$21,8 \pm 0,10^*$	$23,3 \pm 0,30^*$
Антиген боғловчи лимфоцит, г/л	$3,6 \pm 0,22$	$7,5 \pm 0,51^*$	$8,8 \pm 0,31^{**}$

Изоҳ: + * $P < 0,05$ СГ гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик ишонарли фарқлар

Шундай қилиб, 10 та ҳолатдан 5 тасида яллиғланиш жараёнининг юқори даражадаги фаоллиги, шиллиқ гингивал суяқликнинг нейтрофил гранулоцитлари дегрануляцияга учраганлиги аниқланди. Милк шиллиқ қавати нейтрофил гранулоцитларини миқдорий ўзгаришлари СОЎК билан СТП бирга кечишида узоқ вақт давомида беморлар ингалицияланган дори-дармонларни сГКС + иГКС режимида қабул қилганлиги аниқланди, бу эса пародонт шиллиқ қавати антимикроб функциясининг кескин пасайиши белгисидир. Сурункали

жараён туфайли нейтрофил гранулоцитлар антимикроб функциясининг кескин пасайиши ва асосан ПЧ қисмида лейкоцитлар ва лимфоцитлар инфильтрацияси кузатилди.

Олинган маълумотлар таҳлили тадқиқотчилар фикрига кўра, полиморфядроли лейкоцитлар бактерицид функцияси туфайли протектив фаол бўлиб, СТПда бу жараён пасаяди, шунингдек, тўқималарни зарарловчи моддаларнинг: эркин радикаллар ва протеазалар, қон томирлари ва тўқималар эндотелийлари билан ўзаро таъсир қилувчи тромбоцитларни фаоллаштириши таъсир қилиб, уларнинг йўқ қилинишига ва тромбоцитлар конгломератлари эса микромирларни тўсиб қўйишига олиб келади.

СОЎК+СТП ва СТП билан касалланган беморлар ўртасидаги ҳаёт кўрсаткичлари қиёсий баҳолашда беморларда жисмоний ҳолат (ЖХ), эмоционал ҳолат (ЭХ), касбий яроқлилиқ (КЯ) ва даволанишдан қониқиш (ДҚ) кўрсаткичлари мос равишда $3,16 \pm 0,07$ баллга (СГ билан солиштирганда $p < 0,05$) камайганлиги аниқланди. СОЎК+СТП гуруҳи беморлари ҳаёт сифатининг сезиларли даражада ёмонлашиши аниқланди, бунда беморлар одатдаги касбий вазифаларини бажаришда қийналиши, жисмоний фаолиятдан кўрқиши ва даволанишдан қониқмаслик ҳолатлари аниқланди. Олинган маълумотлар, беморларнинг функционал ҳолати ва ҳаёт сифати СОЎК ва СТП даражасининг ошиши билан сезиларли даражада ёмонлашганлигини кўрсатди. Корреляцион таҳлил натижалари ҲС кўрсаткичлари ва ПИни қайта тиклаш жараёнлари ўртасидаги аниқ муносабатни намоён этди, бунда оғриқ билан ($r = 0,43$), пародонтал чўнтақлардаги шикастланиш билан ($r = -0,35$), V_{max} ($r = 0,32$) ва ICR ($r = 0,34$) билан ($p < 0,05$) ташкил қилди. Психоэмоционал бузилишларни баҳолашда ПЭ кўрсаткичларининг дастлабки ҳолати текширилди. Беморларнинг шахсий ташвишларини (ШТ) психоэмоционал таҳлили шуни кўрсатдики, назорат гуруҳи билан солиштирганда реактив ташвиш (РТ) таъсири $49,8 \pm 0,5$ ва $43,1 \pm 0,71$ (назорат $31,6 \pm 1,6$) баллгача ўсди. Шундай қилиб, шахсий ташвиш $33,5 \pm 0,6$ баллни ташкил этди ва ўзини бефарқлиги, кўркуви ва пессимизм билан беморларнинг 22 (10,4%) ва 16 (6,5%) таси кузатилди. Реактив ҳолат 32 (13,6%) ва 19 (9,4%) беморларда кузатилган. Текширувлар жараёнида шахсий ташвиш интенсивлиги 34,3 ва 23,1% га ошди ($p < 0,05$). Ушбу беморларда хавотир ҳолати мавжуд бўлиб, улар маълум бир қатор вазиятларни таҳдид шаклида идрок этиш тенденциясига эга бўлди.

Шундай қилиб, висцерал бузилишлар кўринишидаги психоэмоционал мослашув вазоконстрикция ривожланиш механизмининг бошланғич нуқтаси, кейинчалик пародонтал тўқималарда трофик бузилишлар кўзатилди деб тахмин қилиш мумкин. Қиёсий баҳолаш СОЎК IV дар. + СТП оғир даражадаги беморларда психоэмоционал номутаносиблик СОЎК II-III + СТП ўрта даражасига қараганда оғирроқ кечишини тасдиқлайди.

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича, V_{max} 5,5% пасайиши, барча беморлар пародонт тўқимасида микроциркуляция бузилишларининг билвосита белгиларини қайд этди, СТП ўрта даражадаги беморлар ҳаёт сифатининг жисмоний фаоллиги ва даволанишдан қониқиш

хисси бўйича пасайишлар, шунингдек СТП оғир даражали беморларда эмоционал ҳолатнинг ва касбга лаёқатнинг ёмонлашиши тенденцияси мавжудлиги кузатилди. Шу билан бирга, ПТ нинг ремоделланиш жараёнлари, вентиляция-перфузия ҳолатининг пасайиши, касаллик оғирлиги ва давомийлиги ортиши билан бир вақтда беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилади. I гуруҳдаги беморларда ПТ ўзгаришлари ва ташқи нафас олиш функциясида сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Ушбу кўрсаткичлар ATS/ERS маълумотлари билан мос келадиган II гуруҳнинг натижалари билан таққосланганда ПТ ўзгаришлари олдинроқ бошланиши, СОЎК II-III даражали беморлардан фарқли ўлароқ, СОЎК IV даражада кўпроқ кузатилиши аниқланди.

Шундай қилиб, СОЎК билан биргаликда СТПда ўзига хос занжирли реакция ривожланади: танадаги қатъий иммун мувозанати дисбаланси организм патологиясининг янада сурункали ривожланишига, унинг клиник кечишини, ҳаёт сифатини, беморларнинг ПЭ ҳолатини ва прогнознинг ёмонлашувига олиб келади. Шуларга боғлиқ ҳолда, компенсацияланган реакциялар метаболик ва мослашув жараёнларини сусайтириб, иккиламчи иммунитет танқислигини кучайтиради.

